



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 1 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ
ТОМ 8, НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST
VOLUME 8, ISSUE 1



ТОШКЕНТ-2025

Бош мухаррир:
Главный редактор:
Chief Editor:

Муртазаева Рахбар Хамидовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Бош мухаррир ўринбосари:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

Джураева Нилуфар Далибаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон жаҳон тиллари университети

ТАҲРИРИЙ МАСЛАҲАТ КЕНГАШИ | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ | EDITORIAL BOARD

Сагдуллаев Анатолий Сагдуллаевич
тарих фанлари доктори,
профессор, академик,
Ўзбекистон Миллий университети

Бобожонова Дилором Бобожонова
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон жаҳон тиллари
университети

Юнусова Хуршида Эркиновна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Аширов Адхам Азимбаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Агзамова Гулчеҳра Азизовна
тарих фанлари доктори, профессор,
ЎзР ФА Тарих институти

Бурдиашвили Майя
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Кожакеева Ляззат Темировна
тарих фанлари доктори, доцент,
Хотин-қизлар давлат педагогика
университети

Аминова Азиза Марксовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Навоий давлат педагогика институти

Ульжаева Шохистахон Мамажоновна
тарих фанлари доктори,
Тошкент ирригация ва кишлок
хужалигини механизациялаш
муҳандислари институти
Миллий тадқиқот университети

Худайқулов Тулқин Дўстбоевич
Тарих фанлари доктори (DSc)
Шаҳрисабз дала педагогика институти

Гофоров Шоқир Сафарович
тарих фанлари доктори, профессор,
Самарқанд давлат университети

Эргашева Юлдуз Алимовна
Тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш муҳандислик-иқтисодиёт
институти

Халикова Раҳбар Эргашевна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент давлат техника университети

Ишанходжаева Замира Райимовна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Эшов Боходир Жўраевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Қариш давлат университети

Маҳкамova Надира Раҳмановна
тарих фанлари доктори, профессор,
Тошкент ахборот технологиялари
университети

Кебадзе Мадонна
тарих фанлари доктори,
Телави давлат университети

Абдуллаева Яхшибека Атамуратовна
тарих фанлари доктори, доцент,
Нукус давлат педагогика институти

Мустафасева Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари доктори
Ўзбекистон Фанлар академияси

Ерметов Аваз Абдуллаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Хайдаров Ғайратбек Мирзапўлатович
тарих фанлари доктори, профессор,
Андижон давлат университети

Расулов Абдуллажон Нуридинович
тарих фанлари доктори, профессор,
Наманган давлат университети

Ковалев Борис Николаевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Санкт-Петербург Тарих институти

Кобзева Ольга Петровна
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Ауанасова Алима Мусировна
тарих фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон давлат тарихи институти

Бегалинова Калимаш Капсамаровна
фалсафа фанлари доктори, профессор,
Қозоғистон Миллий университети

Хайдаров Муродилла Махмуталиевич
тарих фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Миллий университети

Тожибоев Музаффар Турдибоевич
тарих фанлари доктори, профессор,
ИИВ Академияси

Алиева Лале
тарих фанлари доктори,
Озарбайжон давлат университети

Саипова Камола Давляталиевна
тарих фанлари доктори, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исмаилова Алмаз
тарих фанлари доктори,
Догистон мустақил университети

Иноятова Диларам Маниглиевна
Тарих фанлари доктори (DSc), профессор
Ўзбекистон Миллий университети

Дорошенко Татьяна Ивановна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Бабаджанова Нодира Абдуллаевна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Ширванова Тарана Амирага кызы
тарих фанлари номзоди, доцент,
Азербайджон давлат
иқтисодиёт университети

Мирзалиев Улуғбек Бегмурзаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Гулистон
давлат педагогика институти

Нуруллаева Шоира Кушназаровна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Урганч давлат университети

Толибоева Нодира Одилжоновна
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент, Ўзбекистон
жаҳон тиллари университети
Масъул котиб

Теймураз Ахалмосулишвили
тарих фанлари номзоди, профессор,
Телави давлат университети

Джоробекова Айнур Эшимбековна
тарих фанлари номзоди, профессор,
Қозогистон дипломатия академияси

Рахмонқулова Зумрад Бойхуразовна
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети

Исаков Бахадир Нигматуллаевич
тарих фанлари номзоди,
Ўзбекистон давлат жаҳон
тиллари университети

Холмуродов Дилшод Рашидович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), Жиззах давлат
педагогика университети

Одилов Аброр Анварович
тарих фанлари номзоди, доцент,
Ўзбекистон Миллий университети
Масъул котиб


Тўхтабасв Аъзамжон Шарипхўжаевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Халмуратов Бахтиёр Режавалиевич
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доцент,
Наманган давлат университети

Алимардонов Отабек Қудратович
тарих фанлари бўйича фалсафа
доктори (PhD), доценти
Ўзбекистон Миллий университети

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT


| | |
|--|----|
| 1. Гулчеҳра Агзамова АШТАРХОНИЙЛАР СУЛОЛАСИ ҲУКМРОНЛИГИ ДАВРИДА АҲОЛИНИНГ ИЖТИМОЙ АҲВОЛИГА ОИД АЙРИМ МАСАЛАЛАР (17-18-ЮЗЙИЛЛИК ЎРТАЛАРИ)..... | 5 |
| 2. Ильдар Азизов РАЗВИТИЕ МЕЖПАРЛАМЕНТСКОГО СОТРУДНИЧЕСТВА ОЛИЙ МАЖЛИСА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН С ПАРЛАМЕНТСКОЙ АССАМБЛЕЕЙ ОБСЕ..... | 13 |
| 3. Farangis Azimova ЎРТА АСРЛАРДА ДАШТИ ҚИПЧОҚДА ЮЗ БЕРГАН СИЁСИЙ-ЭТНИК ЖАРАЁНЛАРНИНГ АМУДАРЁ – СИРДАРЁ ОРАЛИҒИДАГИ ВОҲАЛАРГА ТАЪСИРИ.. | 19 |
| 4. Феруза Амонова XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ҚОРАҚЎЛЧИЛИК ТАРИХИ (БУХОРО АМИРЛИГИ МИСОЛИДА)..... | 28 |
| 5. Ikrom Djurayev MARKAZIY OSIYODA QADIMGI KO‘CHMANCHI VA O‘TROQ AHOLINING O‘ZARO MUNOSABATLARI..... | 34 |
| 6. Фарходжон Исматуллаев O‘ZBEKISTONNING YEVROPA ITTIFOQI BILAN HAMKORLIK ALOQALARI TARIXSHUNOSLIGINING AYRIM JIHLTLARI..... | 41 |
| 7. Dilshod Komolov, Shodiyor Do‘smurodov O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA PROKURATURA IDORALARINING TASHKIL TOPISHI VA RIVOJLANISHI TARIXI (1991-2000 yillar misolida)..... | 49 |
| 8. Dilshod Komolov, Murodali Xamdamov O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SUD TIZIMINING RAQAMLASHTIRILISHI..... | 56 |
| 9. Pyosbek Mamatkarimov SOSIALISTIK REALIZMNING O‘ZBEK ADABIYOTIGA KIRIB KELISHI TARIXI..... | 64 |
| 10. Yosin Ortiqov, Ra’no Ergasheva QO‘QON SHAHRI TARIXI HAQIDA AYRIM MULOHAZALAR..... | 69 |
| 11. Ибрагимжан Ташматов РЕЛИГИОЗНАЯ ТОЛЕРАНТНОСТЬ В УЗБЕКИСТАНЕ (История и современность)..... | 74 |
| 12. Aziza Shotemirova IKKINCHI JAHON URUSHI YILLARIDA SANOAT KORXONALARIDA O‘ZBEKISTON XOTIN-QIZLARINING O‘RNI (SAMARQAND VILOYATI MISOLIDA)..... | 80 |



Феруза Амонова,
Тарих институти докторанти,
тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

XIX АСР ОХИРИ – XX АСР БОШЛАРИДА ҚОРАКЎЛЧИЛИК ТАРИХИ (БУХОРО АМИРЛИГИ МИСОЛИДА)

For citation: Feruza Amonova. HISTORY OF KARAKUL BREEDING IN THE LATE 19TH - EARLY 20TH CENTURIES (USING THE EXAMPLE OF THE BUKHARA EMIRATE). Look to the past. 2025, vol. 8, issue 1, pp.28-33

 <http://dx.doi.org/10.5281/zenodo.14803458>

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Бухоро амирлигида қоракўл тери савдоси билан шуғулланган савдогарлар ва уларнинг савдодаги ўрнини, қоракўл етиштириш тарихи ва ташки савдо алоқаларида қўзичоқ терисининг аҳамияти, халқаро ярмаркаларда сотилган тери маҳсулотлари, қоракўлча терини кўпайтириш ишлари, халқаро ташкилотларни саъй-ҳаракатлари ҳақида даврий матбуот материаллари ва адабиётлар орқали ўрганилган.

Калит сўзлар: қоракўл тери, банк, рубл, ширкат, савдогар, ярмарка.

Феруза Аманова,

Докторант институти Истории,
доктор философии по истории (PhD)

ИСТОРИЯ КАРАКУЛЬЧЕСТВА В КОНЦЕ 19 - НАЧАЛЕ 20 ВЕКОВ (НА ПРИМЕРЕ БУХАРСКОГО ЭМИРАТА)

АННОТАЦИЯ

В данной статье рассматриваются купцы, занимавшиеся торговлей каракульским мехом в Бухарском эмирате, их роль в торговле, история разведения каракулей и значение каракульской шкуры во внешней торговле, товары, продававшиеся на международных ярмарках, работы по увеличению численности каракулей, а также усилия международных организаций, изученные через материалы периодической прессы и литературу.

Ключевые слова: Каракульская шкура, банк, рубль, общество, купец, ярмарка.

Feruza Amonova,

Doctoral student at the institute of History
of the FA of Uzbekistan, PhD in history

HISTORY OF KARAKUL BREEDING IN THE LATE 19TH - EARLY 20TH CENTURIES (USING THE EXAMPLE OF THE BUKHARA EMIRATE)

ABSTRACT

This article examines the merchants involved in the trade of karakul fur in the Bukhara Emirate, their role in trade, the history of karakul breeding, the significance of karakul fur in foreign trade, goods sold at international fairs, efforts to increase the population of karakul sheep, and the activities of international organizations, as studied through periodical press materials and literature.

Index Terms: Karakul fur, bank, ruble, society, merchant, fair.

1. Кириш ва долзарблиги:

Ўзбекистон қорақўл тери етиштириш бўйича дунёнинг етакчи давлатларидан бири бўлиб, бу соҳада узоқ йиллик тажрибага эга. Қорақўл қўйлари Қорақум ва Қизилқум чўлларида боқилган ва қўйлар чуқур қудуқлардан суғорилган. Шунингдек, Амударё, Сирдарё, Зарафшон, Қашқадарё ва Мурғоб дарёларининг бўйларидаги ўзлаштирилмаган ерларда ҳам қорақўл қўйлари боқилган. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги даврида энг яхши қорақўл қўйларининг подалари Бухоро, Қашқадарё, Карки, Қорақалпоғистон ҳудудларида боқилган. Бу ҳудудлардаги қорақўл қўйлари асосан кичик мулкдорларга тегишли бўлиб, улар бутунлай йирик бой хўжаликлари измида эди. Бу даврда қорақўл қўйлари учун кишлоқ озуқа тайёрланмаган ва йил бўйи яйловда боқилган. Шу боис кишлоқ қаттиқ келганда уларнинг катта қисми, баъзи йилларда 90 фоизи қирилиб кетган [1, С.65].

Бухоро амирлигида қорақўл тери савдоси оммалашган давр XIX аср охири ва XX асрнинг бошларини ўз ичига олган. Бу даврда Бухоро амирлигида савдо-сотиқдаги асосий манба пахта ва қорақўл тери ҳисобланган. Бошқа маҳсулотларга қараган қорақўл тери ва пахтага бўлган эҳтиёж йил сайин ортиб борган. Қорақўл терилари Россия ва Европа бозорларида юқори баҳолашиб, Санкт-Петербург аукционларида ва Франциянинг Лион, Россиянинг Нижний-Новгород, Макар ярмаркаларида сотилган.

Қорақўл қўйларини илмий жиҳатдан тадқиқ қилиш ишлари XIX асрнинг охиридан бошланган. Полтава кишлоқ хўжалиги жамияти 1882 йилдаёқ Бухорога қатор экспедициялар уюштириб, қорақўл қўйларини сотиб олиб Россияда кўпайтиришга уринди. Мазкур жамият деҳқончилик департаментидан зотдор қорақўл қўйлари учун махсус жой ташкил этиш ва уларни кўпайтириш учун ружсат сўрайди. Олимлардан М.С.Карпов, М.Ф.Иванов, Р.Р.Правохенский, И.Ильчевский каби қорақўл қўйлари устида дастлабки тажрибаларни олиб борди. 1914 йил Каттақўрғон яқинидаги Зирабулоқ чўлида зотдор қорақўл қўйлар учун кўтон қурилиб, унга Бухоро амирлиги Қарши беклигидан сотиб олиб келинган қўйлар жойлаштирилди ва улар устида Пеховский, Журавлев ва Лебединский каби олимлар тажриба олиб борди. Аммо Каттақўрғон қорақўл зотдор қўйларини кўпайтириш учун қулай ҳудуд эмас эди [2, С.7].

2. Методлар ва ўрганилиш даражаси:

Маҳаллий мулкдорларнинг аксарият қисми газлама, қорақўл тери, пахта, ва жун маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланган. Бу ҳақидаги асосий маълумотлар Н.А.Варенцовнинг эсталикларида ва Н.Б.Хотамовнинг тадқиқотларида ўрганилган. Машҳур москвалик тадбиркор ва жамоат арбоби Н.А.Варенцов (1862-1947) ўзини кўрган кечирганлари асосида “Слышанное. Виденное. Передуманное. Пережитое” номли хотираларини ёзган. Хотиралари XIX асрнинг ўрталаридан 1905 йилгача бўлган даврни қамраб олган. Китобнинг иккинчи қисмида Марказий Осиёдаги саёҳати даврида кўрган кечирганлари, шунингдек, маҳаллий мулкдорлар, Туркистон ўлкаси, Бухоро амирлиги, Хива хонлигида фаолият юритаётган рус фирма ва ширкатлари ҳақида муҳим маълумотлар келтирган. Жумладан, “...Н. Кудрин ва К° Ўрта Осиё савдо-саноат ширкатининг директори Николай Павлович Кудрин Ўрта Осиёнинг бир нечта шаҳарларида ширкатнинг бўлимларини ташкил қилади. Бухоро амирлиги ҳам бундан мустасно эмас. Ширкатни Ўрта Осиёда етиштириладиган сифатли пахта, хом ипак, қорақўл тери ва тери маҳсулотлари қизиқтиради

ва бу маҳсулотлар Европа бозорларида ҳам жуда кадрланишини, сифатли қорақўл тери дунёда фақат бир жойда Бухоро амирлигининг Қорақўл воҳасида етиштирилиши ва тайёрланиши билан қизиқади. Николай Кудрин асли миллати бухоролик бўлган тадбиркор Шоғозиев орқали қорақўл тери савдосини йўлга қўяди. Шоғозиев 1889 йилда бўлган Нижний Новгород ярмаркасида 300 кип сифатли қорақўл тери билан иштирок этади. Ярмаркада Германиянинг Лейпциг шаҳридан келган мўйна (тери) билан шуғулланадиган йирик савдогарлар Шоғозиев маҳсулотларини сотиб олган. Шоғозиев катта фойда билан қайтган...” [3, С.147].

Н.Б.Хотамовнинг “История банков и предпринимательства в Средней Азии (60-е годы XIX в. – 1917 г.)” номли монографиясида рус банкларининг Ўрта Осиёга кириб келиши, маҳаллий тадбиркорлар билан рус фирма ва жамиятларнинг ўзаро шерикчилик алоқалари, банкларни пахта етиштиришни ривожлантиришдаги ўрни, Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги ҳудудларида вужудга келган завод корхоналарни маблағ билан таъминлаш каби масалалар ёритилган. Масалан, “Биргина Сибир савдо банкидан кредит олиб ўз омонатларини банкда сақлаган 104 та бухоролик савдогарларнинг рўйхати келтирилган. Жумладан, бу банкнинг йирик кредитори Эски Бухорода яшовчи гилдия савдогар Латифхўжа Қосимхўжаевдир. Сибир савдо банкида энг катта 150 минг рубл миқдордаги маблағга эга бўлган. 1870 йилдан бошлаб қорақўл теридан ташқари Бухоро амирлигида ишлаб чиқарилган буюмлар, пахта, ипак, жун маҳсулотларининг улгуржи савдосини йўлга қўйган. Латифхўжа Қосимхўжаевнинг умумий маблағи 250 минг рубл, йиллик товар айланмаси эса 3 млн рублга тенг бўлган” [4, С. 143].

Ольга Александровна Сухарева ўзининг тадқиқоти давомида Бухоро амирлиги аҳолисининг ижтимоий таркиби, мулкчилик муносабатлари, хунармандчилик шаҳарлари ва савдо алоқаларини ўрганиш билан бирга “Бухара XIX-начало XX века” номли китобида амирликдаги қорақўл савдоси билан шуғулланадиган маҳаллий мулкдор ҳақида ҳам маълумотлар бериб ўтган. Жумладан, “Бухоро орқали қорақўл тери Россия, Кавказ, Эрон ва Ғарбий Европа бозорларига шунингдек, Америка бозорларига етказилган. XX аср бошларида Бухоро шаҳридаги йирик савдогарлар Убайдуллахўжа, Насриддинбой, Яхёбой ва Абдурауф Азизовлар бир нечта савдогарларга раҳбарлик қилганлар. Биргина М.Юсупов ўттизга яқин савдогарларга раҳнамолик қилган. Қорақўл савдосининг йирик вакили Хўжа Жўрабек Россия ва Европада Арабов фамилияси остида савдо-сотик ишларини амалга оширган” [5, С.242].

С.Р.Конопка Туркистон ўлкаси ва Бухоро амирлигининг иқтисодига оид муҳим маълумотлар қолдирган. Унинг “Туркестанский край” номли китобида Бухоро амирлигида фаолият олиб борган маҳаллий мулкдорларнинг номларини келтирган. Масалан, “маҳаллий мулкдор Юсуфбой Мўмин Хўжа ўғли - тулки ва сувсар мўйнаси, қорақўл тери, пахта, пилла, жун маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланган. Эски Бухорода шахсий савдо уйига эга; Файзулло Хўжа Убайдулло Хўжа ўғли - газлама, қорақўл тери, пахта, ва жун маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланган. Хўжа Латиф Хўжа Қосим Хўжа ўғли - газлама, қорақўл тери, пахта, ва жун маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланган. Унинг Эски Бухорода шахсий савдо уйи мавжуд. Нижний Новгород ярмаркасида жуда кўп иштирок этган. Ҳатто ярмаркада 19 қатор бухоролик савдогарлар растаси бўлиб, 78-79 дўконлар Латифхўжа Қосимхўжаевга тегишли бўлган. Карвонбоши Абдурауф Азизов - бухоро савдогарларнинг етакчиси бўлиб, тулки ва сувсар мўйнаси, қўзи териси, қорақўл тери, пахта, пилла, жун маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланган. Эски Бухорода ўзининг шахсий савдо уйига эга. Абдуғиёс Оқсоқол Восиқ ўғли - Эски Бухорода қорақўл тери олди-сотди савдосида воситачилик қилган. Ҳаётжон Очилдибой ўғли - эски Бухорода қорақўл тери, қўзи териси, пахта, жун ва жун маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланган [6, С.2-4].

3. Тадқиқот натижалари:

Ҳаққулбой, Пўлатбой каби бадавлат чорвадорларнинг хар бири йилига 15 минг донагача, Юсуфбой Мўмин Хўжа ўғли эса 8 -9 минг дона қорақўл терини шаҳар бозорларига етказиб берган [5, С.243]. 1880-1881 йилларда Арабовлар оиласи ва Убайдуллахўжа

Қосимхўжаев ҳар йили ўртача 300 минг донадан, унинг укаси Латифхўжа Қосимхўжаев эса 10 минг дона қорақўл терини Европа бозорларига чиқаришган [7, С.49].

Бухоро сармоядорлари орасидан йирик қорақўлчи бойлар Муҳитдин Мансуров, Чориқулбой ва Абдуллабойвачча, Россия Давлат банкида 27 млн рубль (олтин ҳисобида), хусусий банкларда 7 млн рус рубли бўлган қорақўл тери билан савдо қилишда жаҳон бозорида учинчи ўринни эгаллаган Бухоро ҳукмдорининг ўзи Амир Саид Олимхон сингари йирик сармоядорлар етишиб чиқди [8, В, 25].

Шунингдек, ўз даврининг йирик савдогарлари Саидбой, Исмадебек, Оғойи Сулаймон, Аминжон Сулаймонов, Йўлдошбой, Нарзуллобой, Авезбой, Муҳаммад Юнусбой, Абдурахмон Юнус, Мустафоҳўжа, Ғофурхўжа Миржонов, Мурод Ашурбой карвонбоши, Пўлатбой карвонбоши, Кароматуллоҳ Хўжа, Мирзо Исо Муҳаммедов, Муҳаммад Юнусов, Раим Бобожонов, Муқимбоев, Сулаймон Ҳазратқулов, Миркалонов каби бир қатор маҳаллий савдогарлар ҳам алоҳида мавқе ва мартабага эга эдилар [9, Б.4]

М.М.Мирсолихов ва М.М.Мансуровлар 1892 йилдан ип, пахта, жун ва қорақўл тери савдоси билан шуғулланганлар. Шу йилда улар турли шаҳарлардан йилига 110-115 минг сўмга қорақўл тери олиб Россия ва Европа бозорларига 115-120 минг рублгача сотилган. Шу жумладан 30-40 минг рубль миқдорида пахта тозалаш заводига дастгоҳ ва иплар сотиб олган [4, С.204].

XX аср бошларига келиб, қорақўл савдоси Россия ва чет элда экспорт қилиш ноёб фойда келтирадиган бизнесга айланди. Кўплаб компаниялар саноатчиларни жалб қила бошлади. Маҳаллий савдогарлар қорақўл мўйнаси баҳосини кўтаришга ҳаракат қилганлар. Қорақўл терига бўлган талаб қанчалик ортса, даромад ҳам шу даражада юқори бўлган. “Туркестанский сборник” газетасида ёзишча 1905 йилда мўйна савдоси билан шуғулланадиган Лейбциг фирмаларидан бири Бухоро шаҳридан 385 мингга қорақўл тери сотиб олиб, 17-20 минг франкдан сотиб катта даромадга эга бўлганлиги ҳақида ёзилган [10, С.4].

1909 йилдан қорақўл бозорида янги омил сифатида фирмалар Россия империяси кўшини зобитлари учун қорақўл теридан тайёрланган бош кийим ва куйи амалдорларга форс мўйнасидан тайёрланган бош кийим савдоси билан шуғуллана бошлаганлар [11, С.2].

Қорақўл мўйнаси баҳосининг фавқулодда кўтарилиши ва талабнинг ортишига сабаб Европа ва Америка аёлларининг муфта (Муфта – аёлларнинг қишда икки ёқдан қўлни тикиб юрадиган енгчаси.), ротонда (Ротонда – 19 аср охири – 20 аср бошларида аёлларнинг ёпинчиқ кўринишидаги енгсиз қишлик иссиқ кийими.), бўйинбоғлар, пальтолларининг сифатли қорақўл мўйнасидан тайёрланиши сабаб бўлди. Дастлаб бундай кийимлар Россия ва Европа бозорларида 300-500 рублда баҳоланган. Аммо бу қиймат бой оила аёллари учун ҳам қимматлик қилганлиги сабабли европа ишлаб чиқарувчилари бу каби мато маҳсулотларини арзон ва қулай усулини ишлаб чиқди [12, С.2]. Бунинг учун қорақўл қўйлари Марказий Европа шаҳарларида кўпайтириш бошланди. 1904 йилда Австрия ҳукумати қорақўл қўйларни кўпайтириш учун Бухоро шаҳридан Босния ва Герцеговинага кўплаб зотдор қўйлар олиб кетган. Шунга ўхшаш тажриба Венгрияда ҳам амалга оширилган. 1903 йилда Венгрия қишлоқ-хўжалик институти талабига биноан Каринтия шаҳрига Бухоро шаҳридан 290 бошли наслдор қорақўл қўйлари олиб кетилган [13, С.2]. Статистик маълумотларга кўра 1910 йилда немис фирмалари Бухоро шаҳридан 200 мингдан зиёд қорақўл тери сотиб олган [14, С.4].

Қорақўл тери ва тери маҳсулотлари савдоси Азов-Дон, Рус-Осиё ва Рус-Хитой банкларининг маблағлари орқали ривожланган. 1910 йилда пахта ва қорақўл мўйнаси тижорат банклар, Москва ва Нижний Новгород ярмаркаларида кўпроқ сотилган. Азов-Дон банкининг Эски Бухорода 51 та қорақўл етказиб берадиган бўлимлари бўлиб, банкнинг Москва филиалининг маблағлари эвазига 1912 йилда 235 381 дона, 1913 йилда 262997 дона қорақўл тери сотиб олинган [4, С.313].

1912, 1919, 1928 йилларда ҳам Германияга Бухородан қорақўл қўйлар олиб келинди ва улар Галла, Силезия, Померания ва Волкенбютелда жойлаштирилди. Наслчилик ишларига немис қорақўлчилари иттифоқи раҳбарлик қилиб келди. Бу иттифоқнинг фаолияти даврида

Галладан Европадаги 19, Америкадаги 6, Африкадаги 5 ва Осиёдаги 2 мамлакатга 1042 бош кўй олиб кетилди. Шу тариқа Германияда қорақўл кўйларнинг фақат экспериментал подаси етиштирилди ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинди [15, Б.18].

Ўзбекистондан Эронга ҳам қорақўл кўйлари олиб ўтилган. Бу давлатда қорақўл кўйлар соф ҳолда урчитилган, аммо кўпинча маҳаллий кўйлар билан чатиштирилган. Эрон худудида қора ва кўк қорақўл кўйлар урчитилди. Эроннинг кўк қорақўл териси ўзига хос нақш ва тусларга эга бўлиб, қимматбаҳо ҳаворанг ва кумуш ранг терилар ҳам учрайди. Жуни юмшоқ, жингалаклари бир оз бўшроқ, очиқ типда, қайишқоқ эмас; калта қалам, ловия, ҳалқа ва пармасимон жингалаклардан ташкил топган. Эронда қорақўл кўйлар сони 1,5 млн бошдан оширилиб, ҳар йили 100 минг донадан ортиқ кўк ва 250-300 минг дона қора қорақўл тери тайёрланди. Мамлакатда қора ва кўк қорақўлнинг мўйналик сифатларини яхшилаш устида иш олиб боровчи давлат станциялари тармоқлари ташкил этилди.

Жаҳонда қорақўл тери етиштирувчи етакчи давлатлардан бири Афғонистон бўлиб, бу давлатда қорақўлчилик ривожда Ўзбекистон муайян даражада роль ўйнади. 1920 йили Бухоро амири Олимхоннинг қизил армия босқинчилари тазйиқи остида Шимолий Афғонистонга чекиниши муносабати билан қорақўл кўйлари мазкур мамлакат худудига ўтказилди [16, В.80-86]. Бу даврда Амударёнинг чап соҳилидаги кенг яйловларга ҳозирги Ўзбекистон, Туркманистон ва Тожикистон худудидан кўп сонли подалари бўлган чорвадорлар ўтиб келади. XIX асрнинг охирида Афғонистон Россия бозорига ҳар йили 80 минг дона, Ғарбий Европа мамлакатлари бозорларига 30 минг дона соф зот ва метис қорақўл тери чиқарар эди. Ушбу мамлакатдаги қулай шароитда қорақўлчилик шиддат билан ривожлана бошлади ва XX асрнинг бошларида Афғонистондаги қорақўл кўйлар ҳамда уларнинг чатишмалари салкам 1 млн. бошга етди. Қорақўл савдоси мамлакат даромадининг сезиларли қисми бўлиб қолди [16, В. 82-86].

Фирма ва банклар ўртасидаги рақобат шу даражада авж олдики, маҳаллий савдогарлар қорақўл тери сифатига эътибор бермади. Сифатсиз тери маҳсулотларни чиқариш оқибати мўйна нархининг пасайишига ва талабнинг сусайишига олиб келди. Биргина мисол, 1914 йилда Нижний Новгород ярмаркасида қорақўл маҳсулотининг умумий қиймати 9 млн рублга етган. Экспертлар эндиликда сифатли мўйнани афғон кўйларида кўплигини аниқлашган.

4. Хулосалар:

Хулоса қилиб айтганда, Бухоро амирлигида XIX аср охири ва XX аср бошларида маҳаллий мулкдорлар қатлами шаклланди. Бу қатлам вакиллари Бухородаги йирик буржуазия вакиллари: савдогарлар, тижоратчилар, қорақўлчи ва заводчи бойларнинг сони ортиб борди. Улар Россия империясининг минтақадаги йирик сармоядорлари билан рақобат қилишга киришди. Ҳатто қорақўл савдосига амалдорлардан ташқари Бухоро амирлиги Саид Абдулаҳадхон ва Саид Олимхонларнинг қизиқиш билдириб сармоялар ажратди. Тижоратнинг бу тури амирлик иқтисодиётини ривожлантиришдан кўра кўпроқ маҳаллий сармоядорларни шахсий маблағни кўпайтиришга ҳисса қўшди.

Иқтибослар/Сноски/References:

1. Васин Б.Н. Руководство по каракулеводству. – Москва: Колос, 1971. – С.65. (Vasin B.N. Guide to Karakul Sheep Breeding. – Moscow: Kolos, 1971. – P.65).

2. 50-лет Всесоюзному научно-исследовательскому институту каракулеводства (Исторический очерк) – Ташкент: Фан, 1980. – С.7. (50th Anniversary of the All-Union Scientific Research Institute of Karakul Sheep Breeding (Historical essay) – Tashkent: Fan, 1980. – P.7).

3. Варенцов Н.А. Слышанное. Веденное. Передуманное. Пережитое. – Москва. 2011. – С. 147. (Varentsov N.A. Heard. Conversed. Thought. Experienced. – Moscow. 2011. – P. 147).

4. Хотамов Н.Б. История банков и предпринимательства в Средней Азии (60-е годы XIX в. – 1917 г.). – Душанбе.: “ЭР-граф”, 2014. – С. 143. (Khotamov N.B. History of banks and entrepreneurship in Central Asia (1860s – 1917). – Dushanbe: “ER-graf”, 2014. – P. 143).
5. Сухарева О.А. Бухара XIX-начало XX в. –Москва.: “Наука”, 1966. –С. 242. (Sukhareva O.A. Bukhara XIX-early XX centuries. – Moscow.: “Nauka”, 1966. – P. 242).
6. Конопка С.Р. Туркестанский край. –Ташкент. 1913. – С. 2-4. (Konopka S.R. Turkestan region. – Tashkent. 1913. – P. 2-4).
7. Ремез И.А. Внешняя торговля Бухары до мировой войны. –Ташкент. 1922. –С. 49. (Remez I.A. Foreign trade of Bukhara before the World War. – Tashkent. 1922. – P. 49).
8. Ўзбекистон МА, И-9-фонд, 1-рўйхат, 28-иш, 25-варақ. (MA of Uzbekistan, Fund I-9, list 1, case 28, sheet 25).
9. Ражабов Қ., Ҳайитов Ш. Усмон Хўжа. – Тошкент: “Abu matbuot-konsalt”, 2011. –Б. 4. (Rajabov Q., Hayitov Sh. Usman Khoja. - Tashkent: "Abu press-consult", 2011. -B. 4.).
10. Каракулевая овца и разведение ее в Средней Европе // Туркестанский сборник. № 468. – Ташкент. 1908. – С. 4. (Karakul sheep and its breeding in Central Europe // Turkestan collection. №. 468. – Tashkent. 1908. – P. 4.).
11. Каракулевый рынок. // Туркестанский сборник. № 511. – Ташкент. 1909. – С. 2. (Karakul market. // Turkestan collection. №. 511. – Tashkent. 1909. – P. 2.).
12. Каракулевый кризис // Таржимон. №44. 10 ноябр 1903. –С.2. (Karakul crisis // Tarzhimon. №. 44. November 10, 1903. – P. 2.)
13. Каракулевая овца и разведение ее в Средней Европе // Туркестанский сборник. № 468. – Ташкент. 1908. – С. 2. (Karakul sheep and its breeding in Central Europe // Turkestan collection. №. 468. – Tashkent. 1908. – P. 2.).
14. Каракульская овца // Туркестанский сборник. № 543. – Ташкент. 1910. – С. 4. (Karakul sheep // Turkestan collection. №. 543. – Tashkent. 1910. – P. 4.).
15. Зокиров М. ва бошқалар. Қорақўлчилик. – Тошкент: Ўқитувчи, 1983. – Б.18. (Zakirov M. and others. Karakollik. - Tashkent: Teacher, 1983. - P.18.).
16. Ўз МА, И-1-фонд, 1-рўйхат, 747-иш, 80-86 варақлар. (MA of Uzbekistan, Fund I-1, list 1, case 747, sheets 80-86).



ISSN 2181-9599

Doi Journal 10.26739/2181-9599

ЎТМИШГА НАЗАР

8 ЖИЛД, 1 СОН

ВЗГЛЯД В ПРОШЛОЕ

ТОМ 8, НОМЕР 1

LOOK TO THE PAST

VOLUME 8, ISSUE 1

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC the city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz>; Email: info@tadqiqot.uz

Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz

ООО Тадқиқот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.

Web: <http://www.tadqiqot.uz>; Email: info@tadqiqot.uz

Тел: (+998-94) 404-0000